

ЗАРДУШТИЙЛИК ДИНИЙ ТИЗИМ СИФАТИДА (ПОЛИТЕИЗМДАН МОНОТЕИЗМГА)

Г.Т.Махмудова

Мирзо Улуғбек номидаги ЎзМУ фалсафа фанлари доктори, профессор

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6839889>

Аннотация. Мақолада зардуштийлик диний-фалсафий таълимотининг манбаси Авестани ўрганиши орқали унинг диний-мифологик ва фалсафий томонлари таҳлил этилган. Тақдикот натижалари барча диний гояларга хос бўлган дин ривожланиши жараёнининг барча босқичларини ўзида акс эттирган зардуштийлик ва Авеста мисолида мухокама этилади. Жумладан, муаллиф Яштларда, ибтидоий диний топинишлар: тотемизм, анимизм, фетишизм ва сеҳргарлик салқитлари, шунингдек, қадимги ҳалқларнинг кўпхудолилик (политеизм) билан боғлиқ эътиқодлари ва Ҳотларда (Ясна) Зардуш томонидан кашиф этилган яккахудолилик (монотеизм) таълимоти ўз ифодасини топганлигини қайд этади.

Калим сўзлар: Авеста, Яшт, Гата, Ясна, зардуштийлик, дин, политеизм, монотеизм, қадрият.

ЗОРОАСТРИЗМ КАК РЕЛИГИОЗНАЯ СИСТЕМА (ОТ ПОЛИТЕИЗМА К МОНОТЕИЗМУ)

Аннотация. В статье на основе изучения Авесты, источника зороастрийского религиозно-философского учения, анализируются его религиозно-мифологические и философские аспекты. Результаты исследования обсуждаются на примере зороастризма и Авесты, которые отражают все этапы процесса развития религии, свойственные всем религиозным представлениям. В частности, автор отмечает, что в Ҳотах (Ясне) нашли свое выражение примитивные религиозные культы: тотемизм, анимизм, фетишизм и колдовство, а также верования древних народов, связанные с политеизмом, и открытое Зороастром учение о монотеизме.

Ключевые слова: Авеста, Яшт, Гата, Ясна, зороастризм, религия, политеизм, монотеизм, ценность.

ZOROASTRIANISM AS A RELIGIOUS SYSTEM (FROM POLYTHEISM TO MONOTHEISM)

Abstract. Based on the study of the Avesta, the source of the Zoroastrian religious and philosophical teaching, the article analyzes its religious, mythological and philosophical aspects. The results of the study are discussed on the example of Zoroastrianism and the Avesta, which reflect all stages of the process of development of religion, characteristic of all religious ideas. In particular, the author notes that primitive religious cults found their expression in Hoti (Yasna): totemism, animism, fetishism and witchcraft, as well as the beliefs of ancient peoples associated with polytheism, and the doctrine of monotheism discovered by Zoroaster.

Keywords: Avesta, Yashht, Gata, Yasna, Zoroastrianism, religion, polytheism, monotheism, value.

КИРИШ

Маълумки, диншуносликда динларни муайян тарзда таснифлаш қабул қилинган: ибтидоий жамият динлари, миллий динлар, жаҳон динлари. Шу билан бирга, динлар политеистик (кўпхудолилик) ва монотеистик (яккахудолилик) турларга бўлинади.

Зардүштийлик динига бу таснифларнинг барчаси түүри келади. Чунки унда ҳам ибтидоий динларга, ҳам жахон динларига хос бўлган хусусиятлар мавжуд. Шунинг учун олимлар бу динни политеизм ёки монотеизмга тегишли эканлиги масаласида ягона бир фикрга келмаганлар. Бу масалани ҳал этишда зардүштийликни жуда қадимги даврларда пайдо бўлганлиги ва шаклланганлиги, кўп асрлар давомида турли маданиятлар таъсирида ривожланганлиги ва камол топганлигини ҳисобга олиш муҳимdir.

Авестани ўрганишда унинг диний-мифологик ва фалсафий томонларини фарқлаш зарур. Авеста дин ривожланиши жараёнининг барча босқичларини ўзида акс эттиради. Унда, аникроғи Яштларда, ибтидоий диний топинишлар: тотемизм, анимизм, фетишизм ва сехргарлик салқитлари, шунингдек, қадимги ҳалқларнинг кўпхудолилик (политеизм) билан боғлиқ эътиқодлари ва Хотларда (Ясна) Зардушт томонидан кашф этилган яккахудолилик (монотеизм) таълимоти ўз ифодасини топган.

Бу борада баъзи олимлар томонидан билдирилган фикрлар зардүштийлик монотеистик дин эканлигига ишонтиради. Масалан, Л.А. Лелековнинг фикрича, зардүштийлик келиб чиқиши бўйича – “жуда қадимги мафкура ҳодисасидир (реликт), шаклан – инсоният тарихидаги бир неча кодификация қилинган динлардан биридир. Зардүштийлик жаҳон полиэтник деб аталувчи динлар турига (буддавийлик, христианлик ва ислом) кирмаса-да, лекин ўзининг типологик ўхшашибиги ҳамда унинг бу динларга этган таъсири узоқ вақт давом этганлиги ва чуқур бўлганлиги сабабли улар билан бир қаторда кўрилади”.

Фикримизча, зардүштийлик политеистик эътиқодлардан монотеизмга ўтиш даврига хос бўлган дин бўлиб, политеистик худолар пантеонида ҳам у дунёни, ҳам бу дунёни яратувчи ягона илоҳнинг олдинга чиқишини ифодалайди, шу билан бирга, тотемизм, анимизм, шаманизм ва сехргарлик каби диннинг ибтидоий шаклларини ўзида мужассамлаштиради.

Баъзи олимларнинг хулосаларига кўра, аслида зардүштийлик Қадимги Марказий Осиё ва Эронда тафаккур ривожланишининг бирнеча йўналишларидан бири бўлган ва кенг тарқалмаган. Зардүштийликнинг афзаллиги ва уни кенг ўрганилишининг сабаби унга тегишли бўлган қадимги матнларнинг (Авеста) сақланиб қолганлигидадир. Бошқа йўналишларга кўра, археологик маълумотларнинг реконструкцияси ва кейинги даврларда ёзилган матнларни талқин қилиш асосидагина чуқур ўрганилиши мумкин, яъни уларни тадқиқ қилиш мураккаброқ.

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Марказий Осиё ҳудудларида қадимда яшаган хинд-арий қабилалар диний онгига ҳар хил худолар бошчилик қилган турли худолар пантеонига эга бўлган. Бош худо Яма, Йима, Митра, Мазда ва бошқалар шулар жумласидандир. Баъзи олимларнинг фикрича, бундай гувоҳлик Авестанинг ўзида ҳам мавжуд. Масалан, Л.А. Лелековнинг фикрига кўра, Яснанинг 12-чи Хотида зардүштийлик дини “Ахуравий, зардүштий дини” деб аталиши ушбу Хот муаллифи мазкур ҳудудда бошқа унча самарали бўлмаган диний таълимотлар бўлганлигига ишора қиласи. Ҳудудда эътиқодлар кўплигини барча ташки манбалар (Ассирия, Қадимги Юнон), айникса, кейингилари, тасдиқлайди.

“Эрамиздан олдинги II минг йилликда қабилалар бирлашиб, давлатчилик шакллана бошлаган бир пайтда ўлкамизда турли диний эътиқодлар ва маросимлар ўзаро қоришиб, вақт ўтиши билан муқим тус олиши табиий бўлган. Кеч бронза даври учта асосий эътиқод

анъаналарининг ўзаро таъсири билан ажралиб туради: хаома қўйиш билан боғлиқ митраистлик, олов эътиқоди ҳукмрон бўлган авесточа ҳамда Суғдан шимол ва шарқ томонда яшовчи чорвадор қабилаларида ведалар мавзулари аралашган. А.Сайдов фикрига кўра: “Зардуштий политеистик («плюралистик») ибодатхона ўрнига монотеистик ибодатхона яратган. Бунда қолган барча худолар ягона Ахура Мазда худодан келиб чиқкан. Иккинчидан, улар ушбу қатъий ибодатхонани «ёвузлик кучлари»га қарши қўйганлар. Бу кучлар барча илоҳийлик ҳамда душман қабила ва уруғларнинг қаҳрамонлари бўлиши мумкин бўлган. Биринчи марта «ўзиникилар» ва «бегоналар»ни худудий, этник белгига қараб эмас, балки Эзгулик (яъни чорвадорлар олий табақаси) тарафдорлари ва Ёвузлик югурдакларига бўлишдек ахлоқий белгига қараб бўлиш дунёқараш нуқтаи назаридан асосланган”.

Ўлкамизда юзага келган зардуштийлик ҳам ана шу йўсинда ҳукмрон динга айланади, бироқ Александр Македонский юришларидан сўнг яна қурама диний муҳит ўрнашади”.

Қадимий асотирий дунёқараш тизими илоҳий қарашларга айланган. Энди одам тасаввурни табиат ҳодисалари устидан ҳукмрон, ҳатто уларни яратишга, тартибга солиб туришга қодир, хулласки, инсоннинг ҳимоятини таъминлашга масъул эзгу илоҳий тимсоллар тизими пайдо бўла бошлади. Инсон мана шу тизимни азал-азалдан фақат эзгу кучлар ибтидоси сифатида тасаввур қилишга мойил бўлган. Айни шу хусусият зардуштийликнинг маънавий-фалсафий асосларига, космогониясига, диний тизимига хос бўлган.

Археологик маълумотларга кўра, ушбу қадимги қабилаларнинг (э.а. III-II минг йилликлар оралиғида) Бактрия ва Марғиёнада топилган уч турдаги эхромлари мавжуд бўлган ва, демак, уч хилдаги ибодат амалиёти мавжуд бўлган – оловни ва турли шаклларда худо йўлига атаб ичқилик ичишни қадрлаш. Шу билан бир қаторда ушбу ибодат амалиётлар, шу жумладан, нариги дунё худоси Йимага ибодат қилиш билан бир вақтда қўлланган эхромлар ҳам бўлган. Баъзи олимларнинг фаразига кўра, ушбу эхромлар илк хинд-эрон этник қатламига тегишли бўлиб, Афғонистондаги Нуристонли “кофирлар” уларнинг кейинги авлодлариридир. Милоддан аввалги II-чи минг йилликда мазкур қатламни форс тилларида сўзлашувчи қабилалар “тўлкини” босади, улар катта ибодатхоналар, эхромлар қурмаганлар.

Шундай қилиб, зардуштийликни ҳар томонлама ўрганиш жуда кенг қамровли ёндашувни, турли фанларнинг (тарих, диншунослик, археология, этнография, фалсафа ва б.) бу йўналишдаги тадқиқотлари ютуқларидан фойдаланишини талаб этади. Чунки зардуштийликнинг монотеистик дин бўлиб шаклланишида мазкур ҳудудда тарқалган турли-туман ибтидоий ва ривожланган диний топинишлар, сигинишлар, эътиқодлар, қарашлар, шунингдек, тарихий-сиёсий ва тарихий-маданий жараёнлар ва омиллар ўзига хос таъсир кўрсатган. “Зардуштийлик - қадимги мафкуранинг қолдиги (реликт) бўлиб, унинг муҳлислари томонидан маздаясна (“даэна мазда-ясна” – Маздани улуғловчилар дини) – маздапарастлик деб номланади ва тарихий жараён давомида у ўз мазмуни, мафкуравий йўналиши ва ижтимоий асосини бир неча марта ўзгартирган”.

Қадимдан маҳаллий илдиз отган эътиқодлар янги вужудга келаётган эътиқодлар билан ўзаро таъсирга кириб, янги ҳаёт касб этган. Айни бир макон ва замонда турли-туман эътиқодларнинг қурамасидан ўзига хос кўп қиррали диний тасаввурлар вужудга

келиб, салтанатлар чегаралари узра кўча бошлайди, ҳар бир эътиқоднинг диний ходимлари орият учун ўзаро курашади. Ва ниҳоят, мазкур кўп хиллиқдан яхлит тизим сифатида Яккахудолилик динлари қад кўтаради ва бунда асосий дикқат-эътибор инсон ва унинг Охиратда кутқарилишига қаратилади. Ўзига хос “халоскор” диний ғоялар пайдо бўлади. Тарихчи Герардо Ньоли фикрича, бу даврда “сотериология (сoter – халоскор, кутқарувчи) ва эсхатология (борлиқ ва инсоннинг охир-оқибат тақдири ҳақидаги) таълимотлари диний тафаккурнинг устувор шаклига айланиб, қадимиј ёътиқодлар эса нариги дунё роҳати ва азобига ургу берувчи эътиқод таъсирида аста-секин ўзгариб борган. Ибтидоий диний эътиқодларда маънавий-ахлоқий моҳият заиф бўлиб, юқори поғона – Яккахудолилик эътиқодларига ўтилиши билан инсоннинг ахлоқий нормалари биринчи ўринга кўтарилади. Ўзидан олдинги бутпарастлик ва қўпхудолилик эътиқодларидан фарқли равишда Яккахудолилик эътиқодларида дикқат-эътибор кўпроқ инсонга, унинг ахлоқига қаратилади. Юлдузларга сифиниш йўналишида астрология (нужум илми) тобора кучаяди ҳамда унда Вақт ва Тақдирни бошқарувчи универсал тартиб тушунчаси кучаяди.

Шу билан бирга, ҳар бир даврнинг ўзига хос халқ эътиқоди мавжудлиги ва ана шу эътиқод намоён бўлган илоҳлари ва рамзлари айнан шу давр учун хослиги ҳам исбот талаб этмайди. Эътиқод рамзлари ўзгариб борганини ибодатхоналар деворларига устама-уст туширилган тасвиirlардан билиш мумкин. Дарҳақиқат, халқ санъати намуналари замонлар қаъридан вақт узра қатламма-қатлам намоён бўлиши олимлар томонидан қайд этилган ҳодиса бўлгани каби, эътиқод билан боғлиқ маросимлар ва ибодат жойлари ҳам шу жараённи бошдан кечиради”.

Ушбу ҳудудларда турли диний йўналишлардан маздеизм (маздапарастлик), эгизак рухларга сифиниш, Зардуштийлик, Аҳамонийлар сулоласи дини, зурванизм каби эътиқодлар тарқалган. 1) Маздапарастлик. Аҳамонийлар давридан илгари ва Авеста таъсиридан мустақил равишда, мустақил йўналиш сифатида Ғарбий Эронда IX-VIII асрларда тарқалган. Зардуштийликдан фарқли ўлароқ, маздеизмда Аҳура ва девларга ибодат қилиш, сома (хаома, хом)га ўхашаш психотроп (асабга таъсир қилувчи) ичимликларни қўллаш ва бунинг асосида башорат амалиётини амалга ошириш кенга тарқалган.

Худди шу даврда эгизак олий ҳудоларга сифиниш ҳам тарқалган бўлиб, у Зардушт таълимoti асосларидан бири бўлиб хизмат қилган бўлиши мумкин, чунки Зардушт икки эгизак рухлар ҳақида тингловчиларга батафсил шарх бериб ўтирмасдан, яхши маълум бўлган нарса ҳақида гапиргандай сўзлайди. Эгизак рухлар ҳақидаги қадимиј афсона, К. Леви-Стросс фикрига кўра, дуал-уруғлар асосида ташкил топган жамиятлар дунёқарашини ҳамда уларнинг дуалистик космогониясини акс этади, бундай жамиятда ҳар бир эгизак алоҳида фратрияning асосчиси ҳисобланади. Зардушт таълимotiда бу афсона янгича талқин қилинади.

Зардуштийликнинг муқаддас китоби Авестанинг пайдо бўлиш вақти ва шартшароитлари фанда ҳанузгача ноаниқ бўлганлиги сабабли зардуштийликни мафкуравий ва диний ҳодиса сифатида талқин қилувчи ягона илмий концепция яратилмаган. Унинг турли талқинлари ичida Ж. Дармстетер, X.-С. Нюберг, С.Л. Толстов, В.И. Абаев ва бошқаларнинг бу масала бўйича қарашларига қўшиламиз. Унга кўра, зардуштийлик - Аҳура Маздага монотеистик тарзда сифиниш ҳамда Марказий Осиё ва Эрон ҳудудларида қадимги политеистик динлар ўртасидаги синкRETик компромисс (ўзаро бир-бирига ён

бериш)дан иборат. М.Н. Вольфнинг қўйидаги фикри заруштийлик монотеистик дин бўлганинги тасдиқлади: "...Зардустийлик, фуқаровий ёки бирон-бир халқ, қабилага (этник) тегишлилиги тамойилига асосланиб, одамларни "ўзимизникилар ва бегоналар"га бўлиш мезонини бекор қиласди ва янгича – "эзгулик" ва "ёвузликка" тегишлилик "аксиологик" тамойилини киритади".

Шу билан бирга, Л.А. Лелековнинг "Ҳозирги замон фанида Авеста" асарида келтирилган В. Хеннингнинг фикри юқоридаги қарашнинг мазмунини яхши ифодалайди, деб ўйлаймиз: Ушбу ҳудудда тарқалган турли политеистик динларни юқори даражада ривожланган дин сиқиб чиқаришга ҳаракат қиласди, "унинг ўзи кенг халқ оммаси уфқидан юқорида турган ва политеизмни бутунлай сиқиб чиқара олмади, кўп вилоятларда политеизм ҳарбий табака ва оддий халқнинг эскича эътиқодларининг сарқитлари сифатида сақланиб келган. Оммавий диний эътиқодларнинг коҳинлар динига қарши доимий кураши Қадимги Юнонлик кузатувчиларнинг (Геродот, Плутарх ва б.) бизга қолдирган қарама-қарши маълумотларида ўз аксини топган, улар диннинг у ёки бу кўринишлари тўғрисида уларга маълумот берган кишиларнинг ижтимоий мавқеи ва у ёки бу эътиқоднинг вақтинча устун туришига боғлиқ равищда фикр билдирганлар... Зардустийликнинг бош ғояси инсоннинг индивидуаллиги ва унинг оламда ўрнатилган тартибга нисбатан масъулиятида ифодаланади. Зардустдан илгари алоҳида шахс ва унинг ҳаёти кам аҳамият касб этган... Индивидумни эркин хоҳиш билдирувчи киши сифатида англаган ва коинотнинг пировард тақдири инсоннинг қарорлари билан белгиланишини тушуниб етган Зардуст, ўз даврининг диний қарашлари билан алоқани қўрқмасдан узуб ташлайди,"- деб ёзди муаллиф. В. Хеннингнинг фикрича, Зардустийликнинг типологик ўзига хослигини хинд-эрон диний меъёрлари, қадриятларининг тубдан ўрин алмашиши (инверсияси) ташкил қиласди, илгариги қабилавий идеаллар ўрнини эгаллаган индивидуал онгнинг янги эсхатологик (Охиратга томон) йўналиши Зардуст диний ақидаларининг марказида туради ва, ниҳоят, зардустийлик чорвадор-уругдошлар дини эмас, балки ҳақиқатдан ҳам "коҳинлар дини" бўлган, яъни оммавий бўлмаган, балки тор гурух ёки жамоанинг эзотерик (ёпиқ) оқимининг дунёқарashi эди. В. Хеннингнинг хulosалари бевосита Хотлардан келиб чиқади, "Кичик Авест"га хос бўлган содда политеистик қарашлар ва априор талқин қилинган археологик манбалар ташқарида қолиб кетади.

Ҳ. Ҳомидийнинг қўйидаги фикри, юқорида келтирилган В. Хеннингнинг фикрини қабул қилишидан далолат беради: "Айрим тадқиқотчилар Зардуст асарлари "Хос шеърлари", яъни зардустийлик таълимоти, якка тангри ғоясини тушунадиган коҳинлар, уламоларга мўлжаллаб ёзилган, уларнинг асл моҳиятини оддий халқ англамаган, шунинг учун маҳсус уламолар оташкадаларда, қироат ва ижро олдидан мадҳия моҳиятини изоҳлаб берган, шу йўсинда "Авеста шарҳлари" пайдо бўлган, деган хulosага келишган".

В. Хеннингнинг ушбу мулоҳазасини М.Н. Вольф ўз тадқиқотларида тасдиқлади: "... Хотларга асосланган зардустийлик анъанавий "халқчил" хинд-эрон динига нисбатан, шубҳасиз, инновацион оқим бўлган...". Муаллиф зардустийликни яхлит, чуқур, новаторлик таълимот деб тавсифлайди. Унинг асосий ҳолатлари қўйидагилардан иборат: ягона, доно илоҳи эълон қилиш; борлиқнинг пайдо бўлиши ва унинг ахлоқий бошлангич асослари ҳақидаги масала; ҳақиқий ва сохта билиш ҳақидаги масала; бир-бирини истисно қилувчи диний таълимотлар ўртасидаги муносабат (шакланаётган зардустийликнинг анъанавий динга қарши туриши ва ҳаттоқи унга нисбатан адовати); борлиқнинг барча

даражаларида, шахсдан бошлаб то коинот даражасида эзгулик ёки ёвузлик тарафдори бўлишни танлаш; эзгулик ва ёвузлик мезонлари ва унга асосланган мафкуравий ва сиёсий кураш; ва, ниҳоят оламнинг яратилиши актининг азалдан қўйилган мақсади ва унинг пировард натижасини башорат қилиш. Зардушт тасаввурларининг баён этилиши юқори даражада мавхум бўлган.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Хотларга асосланган зардустийлик таълимоти шаклланиши, ривожланиши ва тарқалишидан кейинги даврда ўзгартирила бошланди. М.Н. Вольфнинг фикрига кўра, бу даврда “Еттиҳот” (Ясна, 32-45-Ҳотлар) деб номланган Авестанинг бўлими ёзилади, “коҳинлар дини” шаклланади, “Кичик Авеста” анъанаси шаклланади. Бу даврдаги зардустийлик таълимотида кўпхудолиликка қайтиш кузатилади, лекин илоҳлар одамсимон (антропоморф) бўлмаган.

Марказий Осиё ва Эрон ҳудудларида қадимги даврларда тарқалган динлардан яна бири Аҳамонийлар сулоласи хукмронлиги даврида тарқалган Аҳура Маздага сифинишнинг яна бир кўринишидир. Илмий адабиётда Сосонийлар сулоласи хукмронлигидан аввалги Аҳура Маздага сифинишнинг кўринишиларини маздапарастлик деб номлаш қабул қилинган, “Аҳамонийлар дини” бундан мустасно. “Аҳамонийлар дини” худолари пантеонига Аҳура Мазда бошчилик қилсада, у Зардушт таълимотидаги мавхум Рух эмас, балки одамсимон (антропоморф) илоҳ бўлиб, Аҳамонийлар давлати хукмдорлари таҳтга ўтириш учун ундан ҳуқуқ олиб, унинг марҳамати билан давлат бошқарувини амалга оширадилар. Илоҳлар пантеонининг ўзи, худди ўша даврдаги форслар салтанати сингари, қатъий равишда марказлашган: илгариги худолар пантеонлари ва янги, забт этилган халқлар пантеонлари илоҳлари Аҳура Мазадага бўйсунадилар. Шундай қилиб, Аҳамонийлар дини моҳиятан зардустийликдан илгариги диний анъаналари ва зардустийлик таълимотининг “сиёсий” синкетизацияси сифатида ифодаланади. Бу даврда Зардушт исми Аҳамонийлар сулоласининг тошга ўйилган ёзувларида ҳам ва ўша давр Қадимги Юнон тарихчилари асарларида ҳам тилга олинмайди. Бунинг сабаби ҳам сиёсий бўлган, худо ва халқ ўртасидаги воситачи вазифасини қоҳин эмас, хукмдор амалга оширади. Шундай қилиб, изчил зардустийлик ўзгалар учун ёпиқ бўлган ўқимишли коҳинлар гурухининг дини бўлиб қолади.

Зардушт монотеизм гояларини илгари сурғанлиги Авеста матнларида яққол кўзга ташланишини Л.А. Лелеков қуидагича тавсифлайди: “Пайғамбар “Кичик Авеста”даги, илдизлари қадимги хинд-европа қабилаларига тегишли ва насл-насаб шажарасига эга ижтимоий институтлар номларини янгилайди, уларнинг ҳар қандай бошқа қадимги ва ўрта аср Эрон манбаларида умуман йўқлиги сабабли сунъийлиги очиқ-ойдин кўзга ташланиб туради. Зардушт политеизм худолари номларини хаттоқи бунга эҳтиёж бўлган контекстларда ҳам тилга олишдан қочади (масалан, Ясна 30.9 ва 31.4 ларда уларнинг номларини келтириш ўрнига, худоларни Ахуравийлар деб атайди)”.

Ясна, 30-Ҳот:

“9 Эй, Мазда!

Биз оламу одам тириклигини янгилов-

чи ва сенинг бўлмииш Ахуравийлар билан

бирга яшамоқни истаймиз”.

Ушбу фикрларини тасдиқлаш мақсадида Л.А. Лелеков йирик авесташунослар мұлоҳазаларига мурожаат этади. А. Мейе, А. Кристенсен, Ж. де Менаш, Э. Бенвенист каби авесташунослар Хотларга киритилған лексик ва мағкуравий ўзгаришларни (инновациялар) Зардұштнинг ижтимоий позицияси, унинг ўша даврда Эронда ҳукмрон бўлган ҳарбий зодагонларга қарши курашининг оқибати деб ҳисоблайдилар. Шу билан бирга, бу олимлар Зардұшт таълимотини Аҳамонийлар сулоласи ва қадимги Эрон жамоаси оммавий тарзда қабул қиласа, балки зардұштийлар жамоаси барча тарихий даврларда маздеизмнинг ислоҳ қилинмаган чексиз стихиясидаги катта бўлмаган, чекланган анклав (жамоа) бўлиб келган деган фикрни билдирадилар.

МУХОКАМА

Яштлар зардұштийликдан аввал мавжуд бўлган, қадимги Эрон ҳарбий зодагонлари – aіgүа, яъни “арийлар” худоларига бағишлиңган мадхиялардан иборат эди. Улар Зардұштнинг нафратини келтирап эди, шунинг учун у Яштларда мадҳ этилган қонхўр худоларни тилга олиш, aіgүа атамасидан фойдаланишдан қочишга ҳаракат қиларди ва ҳарбий зодагонларни кўпинча “Ёлғон (Друж) зоти” деб атайди.

Авестанинг Катта ва Кичик (Янги) қисмларга бўлиниши шартли равишда ҳамда ҳозирги давр филологик эҳтиёжлардан келиб чиқсан ҳолда амалга оширилган бўлиб, қадимий Зардұштийлар жамоаси дунёқарашига тўғри келмайди. Шундай бўлсада, Хотлар ва Яштлар ўртасида мағкуравий мухолифат ҳақиқатан мавжуд. Бу мухолифлик Хотлар ва Яшларни тузган кишиларнинг ўзига хос ижтимоий позициялари, мухолифлик (сектантлик) мағкураси билан шартланади, бу ҳақда Қадимги Юонда э. а. V-IV асрларда ҳабардор бўлганлар. Юонлар Зардұшт таълимоти махфий диний жамоа аъзоларига, “форсларнинг сарасига” қаратилғанлигини билганлар. Бу ҳол бевосита Хотларнинг ўзида ҳам ишора сифатида (Ясна 29.11), ҳам аниқ фикрлар билан (Ясна 48.3 ва 10) тасдиқланади.

Қадимги коҳинлар таркибидаги ўзига хос, катта бўлмаган гурӯҳ Авестанинг мағкуравий йўналишини ва уни ифода этиш воситаларини олдиндан белгилаб қўйди ва бу гурӯҳ ўзгача фикрловчи, қадимги, зардұштийликдан илгари мавжуд бўлган дин вакилларини (кавай(кави) ва қоропон(карапан)лар) лаънатлагани Хотларда ўз ифодасини топади. Бунинг учун Зардұшт илгари ишлатилмаган, янги ва мураккаб маъноларга эга бўлган атамалардан фойдаланишга ҳаракат қиласа. Бу ҳол, Л.А. Лелековнинг фикрига кўра, Хотларда “(илгари) кулоқ эшитмаган” сўзлар, “энг олий таълимот” деган ибораларда ўз ифодасини топади.

Зардұшт таълимоти камчиликни ташкил этган танланғанларга мўлжалланган – “(сирли ҳикматларни) билгучиларга”, “энг аъло одамларга”, “донолар”, “ҳамкасларга”, яъни маънавий жиҳатдан энг сара кишиларга қаратилған. Бу иборалар орқали, Л.А. Лелековнинг фикрича, ғайри ҳиссий (ғайри оддий) билишга ишора қилинган.

Яштларда (4.10 ва 14.46) талаб этилганидек зардұштийлик доирасида ҳозирги вақтда ҳам қабиладошлар ва ажнабийлардан эътиқод сирини ҳимоя қилиш талаби амалга оширилади:

Яшт 14, 46

“Бул отни, бул дуони, Зардұшт,
Бегонага айтмасин ҳеч ким,-
Майли айтсин ота ўғлига,

Оға айтсин ўз жигарига,
Муридига айтсин муршиди...”

ХУЛОСА

XIX асрнинг охиридан бошлаб авесташунослиқда Зардушт таълимотининг ёзма хужжатлари фақат Хотлар эканлиги, Яшtlар ва Видевдод (Вандидод) эса сохталаштирилган матнлар деб хисоблаш қабул қилинган. Бундай қараш нотўғри бўлган, лекин шу билан бирга Видевдод (Вандидод) ва Яшtlар ҳақиқатан бутунлай бошқа диний эътиқод меъёрларига қаратилган. Улар Хотлардаги кўрсатмалар билан жуда чукур зиддиятларга боради, бу зиддиятлар кўпинча стихияли, атайлаб қилинмаган тарзда келиб чиқкан. Шу билан бирга, авесташунослар фикрича, дуализмни илгари сурувчи Видевдоднинг биринчи ва учинчи бобларида бу зиддиятлар англанган ҳолда, хаттоки монотеизм мойилига қарши чиқиши мақсадида гавдаланади. Мазкур ҳолат Видевдод томонидан Зардушт таълимоти энг сўнгти қиёфасига эга бўлган Рага (Рай) шахрини айбланишидан маълум бўлади.

Видевдод 1.16:

“Мен – Ахура Мазда – яратган ўн ик-
кинчи сарзамин ва гўзал юрт уч баходир
хукмрон бўлган *Райдир*”

“Видевдод тузувчилари зардуштийлик руҳонийлари тахти бўлган Рай шахрида яшовчи одамлар эътиқодини гуноҳли шубҳа, қандайдир диний виждонсизлик деб тушундилар. Қатъий дуалистлар Райда вужудга келган монотеизм таълимоти обрўсига доғ туширмоқчи бўлдилар. Ўзлари эса оламни вужудга келтирган низо таркибидағи кучлар жойланишини тубдан ўзгартириб юбордилар. Агар Хотлар ва Ясна 19 да “икки азалий рух” Мазданинг оқибати, лекин унинг ўзи ўзгармас бенуқсон оламида мавжуд, бу руҳларнинг устида ва уларнинг курашидан ташқарида деб эълон қилинган бўлса, Видевдод бўйича эса Мазда, ... бир даражада қўйига туширилган ва ўткинчи ва демак унга лойиқ бўлмаган эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги курашда икки руҳдан бири билан тортишишга мажбур...”.

Зардуштийликда инсоният тарихида илк бор инсон шахс сифатида кўрилади. Оламнинг ривожланиши инсон иродаси, унинг эзгулик ёки ёвузлик тарафдори бўлишига, танловига бевосита боғланган. “Хотлар ва шахсан пайғамбар Зардушт ғоявий дастуридаги энг муҳим асос, бу – етарли даражада назарий бўлган субъектив Мен (Ego) фалсафий концепцияси, унга хаттоки Қадимги Юон фалсафасида таққослаб бўладиган назария йўқдир. Жаҳон драмасининг натижаси субъектив Мен афзал кўрган нарсалари, танлови ва қарорларига боғлиқдир. Худоларнинг ёвузлик легионларида қарши курашидаги муваффақияти оддий инсонлар ахлоқий танловининг сабаби эмас, балки оқибати деб эълон қилинган. Зардуштийлик изчиллик билан ташқи ҳодисаларни индивидуал психика фаолиятининг натижаси сифатида тасвирловчи инсоний жамият тарихидаги ягона дин бўлган ва расмий равишда шундай бўлиб қолмоқда.

REFERENCES

1. Лелеков Л.А. Зороастранизм: явления и проблемы //Локальные и синкретические культуры.- М.: Наука, 1991;
2. Махмудова Г.Т. Философская сущность Авесты.- Т.: изд-во журнала «Санъат», 2010;

3. Лелеков Л.А. Авеста в современной науке.- М., 1992;
4. Авеста: энциклопедик луғат. Тошкент, “NOSHIR”, 2020;
5. Кароматов Ҳ. Ўзбекистонда мозий эътиқодлар тарихи.- Т.: ЖИДУ, 2008;
6. Сарианиди А.В. Протозороастрийский храм в Маргиане и проблема возникновения зороастризма // Вестник древней истории. - 1989. - № 1;
7. Пьянков И.В. Тоголок-21 и пути его исторической интерпретации // Вестник древней истории. - 1989. - № 1;
8. Вольф М.Н. Онтологические аспекты иранских влияний на раннюю греческую философию.- Диссертация на соискание ученой степени канд.филос.наук.- Новосибирск, 2003; <http://www.nsu.ru/classics/Wolf/Kand-diss.htm#ch3>;
9. Леви-Строс К. Структурная антропология . — М.: Изд-во ЭКСМО-Пресс, 2001;
10. Ҳомидий Ҳ. “Авесто”дан “Шоҳномага”. – Т.: Шарқ, 2007;
11. Дандамаев М.А. Иран при первых Ахеменидах (VI в. до н.э.). - М.: «Наука», Изд-во вост. лит, 1963;
12. Рак И.В. Мифы древнего и раннесредневекового Ирана. СПб.-М.: “Журнал «Нева» - «Летний Сад»”, 1998;
13. Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик. АсқарМахкам таржимаси.- Т.: Шарқ, 2001.